


1 ОКТАБРЬ — ҲАҚИҚАТ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Суратда Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси Дилбар Тожиева.

**ҲАҚ ЙЎЛИДА КИМ СЕНГА БИР ҲАРФ ҲАҚИҚАТ РАНЖ ИЛА,
АЙЛАМАК БЎЛМАС АДО ОНИНГ ҲАҚИН ЮЗ ГАНЖ ИЛА.**

Алишер НАВОЙЙ

БОЛАЛИККА БИР НАЗАР

Ватаниннг таянчи, келажакнинг суянчи бўлган энг камтар ва хокисор касб эгалари — устозларга таъзимдамиз!

— ИЛК мактабга борган кунингиз ва биринчи устозингизни кўрганингиздаги ҳаяжонингиз қандай бўлган?

— Мен ҳам олий болалардек (юзига табассум югуради) жуда шўх, тўпалончи, бебос эдим. Болалигим жуда завқли ўтган. Синфдош қизларимизни ҳам кўп хафа қилардим. Балки ҳозир улар интервюни ўқитиб, буни эслашар. Мактабга борган биринчи кунимни яхши хотирлайман. Чунки бу кун мен учун жуда катта кун бўлган. Менга шу кун мактаб эшиги эмас, балки янги бир оламнинг эшикларини очилган. Мактабимиз ўзим тутилиб ўсган Шовот туманидаги қишлоқдан нақ уч километр олдига, Туркманистон билан чегара бўлган ҳудуддаги 31-сонли мактаб эди. Ҳар кун синфдошларимиз билан пиёда бориб-келардик. Бошқа тендошларимдан фарқи равишда мен олти ёшдан мактабга борганман. Боғчадаги ўртоқларим мен билан мактабга чиқилмаганидан хафа бўлганман. Биринчи устозим, бизга илк ҳарф таълимни инсон Хонимжон опани кўп эслайман. Жуда ҳам фидойи, жонқур инсон. Бизга ҳаётида илк билан бериб, илк ҳаётинг тасаввуримизни бойитган инсон сифатида кадрлайман биринчи устозимни.

Кейинчалик қишлоғимизда ҳам мактаб қурилган. Шу сабабли Шовот туманидаги 47-сонли умумий ўрта таълим мактабига ўқишимиз кўчирилган. Бу ерда холам директор ўринборсари бўлиб ишларди, шўхликларим учун менга жуда кўп танбех берарди. Деярли ҳар кун дакки эшитардим. Ва бу менга ўша вақтда каттик ботарди. Ҳозир ўйласам, бу қариндошлигимиз учун менга сузимасин, ўзи ўқиниға интилинсин, деб қилинган муносабат экан. 9 синфдан бошлаб эса математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган Ал-Хоразмий номидаги 1-сон вилоят лицейида ўқини давом эттирганман.

Лицейда тарих фанига қизиқишим ортган. Хоразм вилоят олимпиадасида тарих фани бўйича биринчи ўринни эгаллаганман. Бу менга катта имконият берган. Хусусан, тарихни ўрганишга қизиқиш, давлатчилик, жамиятнинг пайдо бўлиши, нега ер шарининг у томони билан бу томонида жамиятлар ривожланиши ҳар хил кечганлиги, урушлар, диний муносабатларнинг цивилизацияга таъсирини ўрганишга иштиёқимни оширган. Шундай экан, ўқитувчи бўганимни уйғотди, эртанги кунни эса тарбиялайди, деб ўйлайман.



Устоз билан дидорлашув

— Биринчи ўқитувчингиз Сизнинг бола тасаввурингизни қандай фазилатлари билан ўзига ром этган?

— Менинг ҳаётимда жуда муҳим аҳамиятта эга бўлган ўқитувчиларимни доим ҳурмат билан эслайман. Буларнинг бири биринчи устозим бўлса, кейингиси рус тили ўқитувчимиз бўлади. Бу инсон ҳам кучли педагог бўлган. Ҳозиргача Хоразмга борганимда уларни йўқлаб тураман. Бу инсон менга рус тилида раво гапиришга, грамматикасини ўрганишимга катта ёрдам берган. Шунингдек, француз тилидан дарс берган устозимни ҳам яхши эслайман. Афсуски, ҳозирда устозим ҳаёт эмас, лекин ҳақиқий ўз касбининг фидойиси бўлган. Улардаги меҳрибонлик ва яхшилик фазилатлари мени ўзига ром этган.

— МАКТАБГА биринчи кўйган қадамларим ҳамон эсимда. Мени мактабга онаминг отаси — бобом Эшон қори Исмолов олиб келган. Ушанда эсуда ҳаяжонда эдим. Мактаб оstonасига қадам кўйганимизда ўқитувчилар бобомни “устоз”, дея ҳурмат билан қарши олишганида ичimdаси болаларча андиша ўрини фахр тўйуси эгаллаган. Кейинчалик юқори синф ўқувчиси бўлганимда билимки, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат тўйуси эсуда юксак бўлган. Улар ёнимиздан ўтаётганда, тик боқишга журъатимиз етмаган. Устозларнинг обрўси шу қадар улуг бўлган.



Элмира БАСИТХОНОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси раиси:

“Ўқитувчимизга тик боқишга журъатимиз етмаган”

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиман, мактабимиз ўқитувчилари бобомни бу қадар катта ҳурмат билан кутиб олишларини ўзига хос сабаблари бўлган экан. Бу тарих билан боғлиқ. Бобомнинг барча дўстлари, ҳамкасблари жадидлар бўлиб, уларни ҳам улар сафида экан. Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлпон каби зиёдилар билан бир даврда суҳбатлашиб, ҳамфикр бўлиб, гурун қилишган. Жадидлар ўша совук ва олис ўлкаларда отиб ташланган. Бобом Сибирда 17 йил сургунда бўлган. Уларнинг аксарияти, ўқитувчи-педагоглар ёки жамиятнинг энг олди инсонлари бўлиб, асосан 40 ёшгача бўлган энг куч-қувватга тўлган зиёдилар қатағонга учраган. Бобом 1956 йил қайтиб келган. Ушанда халқимиз жадидлар бериши керак бўлган таълимни ололмаган. Минг афсуски, буни тарихда кўрдик. Бугунги кунда қайсида маънода тўсиқларга учрашимиз, жадидларимиз ўша пайтда маърифат, маънавият, қадрият борасида беролмаган билими, миллиятимиз ривожига қўшолмаган ҳисасининг таъсири, дейишимиз мумкин.

Шу маънода айтганда, инсонни ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ ёки хатолари, аввало, мактабда олган билимига боғлиқ экан. Бугун ҳаётимда нимаки ютуқларга эришган бўлсам, бундай ўқитувчиларимнинг таълим-тарбияси махсули, дея оламан. Мана мактабни тугатганимга ҳам 44 йил

бўлаяпти. Бугун устозларимни ёдга олиб, фахрланиш ҳиссини туюман. Чунки уларни бизга берган билими, шу билим тўғрисида олий ўқув юртида таҳсил олганимиз ёки ҳаётда ўрнимизни тоғганимизни устозларимизнинг галабаси, деган бўлардим. Аммо бугун айрим ота-оналарнинг боламни таълим-тарбиясига ҳеч ким аралашмасин, деган гаплари кулоққа чалинади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки айна пайтда ёшимиз улғайиб, инсон камолотида ўқитувчининг ўрни бекиёслигига амин бўлаяпмиз. Мактабда устозлар, уйда ота-она ёки кўни-кўшинларнинг қатъий назорати, тарбияси бугунги кунда зарурат эканлиги кўриниб турибди.

Мактабимдаги барча устозларимнинг талабандлиги, жонқур ва фидойилигини олдида ҳамини таъзимдаман. Бу бағрикенг устозларнинг ота-онамиз билан яқин муносабатда бўлиб, ҳар бир ўқувчининг тарбиясида доимо ҳамкорлик қилиши жамиятда ўз ўрнимизни топишимизда йўлчи маёқ бўлди. Шу бонс, устозларимизни бизга берган билиминини оқлаб, меҳнатини қадрласак, уларга самимий ҳурмат ва эътибор кўрсатиб, бу ҳислатларимиз билан ёшларга ўрнак бўла оласак, эзгу қадриятлардан бирига амал қилган бўлардик.

“Инсон ва қонун” муҳбири
Гулсум ШОДИЕВА ёзиб олди.

— Шахнинг қандай камол топиши, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши биринчи устозга боғлиқми?

— Туртки бўлиши мумкин. Лекин ўйлайманки, биринчи устоз ҳаётдаги ҳамма ҳулосалар, ҳамма қадамларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Бу одамнинг ўзига ҳам боғлиқ. Чунки ҳаётда мактабдан кейин ҳам жиддий боқичлар бор. Масалан, мустақил фикр шаклланди, катта ҳаётга кириб келадиган давр бу талабалик даври, албатта. Мактабда одам жиддий ўйлар билан юрмайди, барибир болаликки болалик, ўн саккиз ёшгача биз вояга етмаган ҳисобланганимиздан бу даврда билимга берилиб, ўйнаб-қулиб, дўстлар бир-бирига меҳр қўйиб шаклланди даври ҳисобланади. Ҳаммаини ҳаётда ҳам биринчи устозининг таъсири ҳар хил бўлади. Менинг ҳуқуқшунос бўлишимда лицейдаги ўқитувчиларимнинг таъсири катта бўлган.

— Устозларга тилакларингиз...

— Бутун борлигини, меҳрини ёш авлод тарбиясига баҳи этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳамини юксак баҳоларга муносибдир. Охирги вақтларда мураббийларнинг, ўқитувчиларнинг нуфузини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Соҳа қаддини ростилайти. Давлатимизда раҳбарининг кунни кеча ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган тағригиди “Бизнинг барча саяё-ҳаракатларимиз “Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак”, деган гояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Адлия вазирини

жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз”, деган таъкидда ҳам мақур эзгу мақсад мужассам. Юрт раванқини билими, ўз ишнинг устаси, салоҳиятли кадрлар юксалтириши мумкин. Бундай кадрларни эса фидойи, маҳоратли, билим базаси кучли бўлган устозларни шакллантира олади. Устозлар шунинг учун ҳам юртининг таянчи ва суянчиларидир.

Азиз устозлар, машаққатли меҳнатингизни доимо кадрлайман. Шахсан ўзим ҳамда Адлия вазирини жамоаси номидан Сиз аниқларингиз келажак эгалари камолоти йўлидаги буюк хизматларингизга муваффақият тилайман.

Ҳамини муҳаббатимиз ва ҳурмати-миз, ардоғимиздасиз!

“Инсон ва қонун” муҳбири
Дилфуза ЭРГАШЕВА ёзиб олди.



Билмаган жим тургани яхши

ҚУРЪОНИ Каримда шундай улуғ калом бор: "Эй, иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирилса, аниқлаб кўринлар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманлар".

Демак, ҳар кимки ўзига нимадир тўғрисида келган ёки етган хабарнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмагунча, ўзгаларга тарқатишдан (эътибор қилсангиз ҳозирги пайтда жуда авж олган) сақланиш лозим. Дарҳақиқат, бугунги замонамизда ахборот алмашинуви шиддат билан содир бўлаётганилиги, инсонларни шошириб қўйса-да, лекин унинг қим тарафдан узатилаётганлиги, нима сабабдан айтаётганлиги ва мазмун-моҳиятига аҳамият бериш, ўта зарур, деб ҳисоблаймиз. Кўпчилигимиз ижтимоий тармоқларга аъзоимиз. Ҳар биримиз ўз шахсий профилларга ҳам эгамиз. Шу орқали барча яқин ва таниш бўлган инсонларимиз билан мулоқот ўрнатиб, ахборот алмашамиз. Айнан ушбу ахборотларнинг қай даражада тўри ёки ишончли қилиниги эса, шаҳ-шубҳасиз аниқлик киритишимиз мақсадга мувофиқдир.

"СМС"НИНГ КАСРИ

"Оғзи куйган, қатқини ҳам пуфлаб ичди", деганларидек, яқинда битта ёлгон хабарнинг жабрдийдаси бўлдим. Укам чет элда шартнома асосида ишга кириб, ҳалол меҳнат қилиб юрибди. Табиийки, кунора ижтимоий тармоқлар орқали ҳол-аҳвол сўрашиб турамин. Шу кунни ҳам укамнинг аҳолини билиш учун шахсий телеграм номерига хабар жўнатиб қўйгандим. Ярим соатлар ўтиб, машъум ва ёмон хабар (эслагим ҳам келмайди)га кўзим тушди. Яъни, хабарда шундай дейилган эди: "Укангиз Жавоҳир, хонада техник носозлик бўлиб, ёниб кетди. Мурдасини олиб кетинлар!". Тасаввур қила-йпсизми?.. Қўлогим шангиллаб, юрагимга қаттиқ оғриқ кирди. На тилим қалимага келади на ташқи дунёни сезаман. Шу алфозда бир соат чурқ этмай ўтирдим. Ахир, оила-аъзоларимга қандай айтаман? Шу пайт "ўлган укам" телефон қилиб қолди. Қулоқларимга ишонмай, дудуқланиб кўнгироққа жавоб бердим. Ростдан укам экан. "Астафиллоҳ!" Жавоҳир ўзингисан?" дедим. Бошқа гап ҳам айта олмадим-да. "Опа узр, телефоним бошқа бир одамда эди. Бирга ишлаймиз. Сизга ҳазил қилибди...", дея, ҳеч нарса бўлмагандек изох бераёпти. Шуниси

ҳам шукр дедим. Ҳамма эшитган гапларим ёлгонлигига, укам тирикчилигига шукроналар айтдим. Лекин биласизми, муаммо қаерда? Муаммо ҳеч нарсани ўйламай, бемалол, ёлгон бўлган, мудҳиш хабарни етказган "шоввоз"нинг қилган ишида эди. Барча фикрларимни жамлаб укамга ҳаммасини тушунтирдим". Ҳаётда, кундалик турмушимизда, жамиятимизда бундай инсонлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Бундай кимсалар эса қилган ишининг оқибати нима билан яқунлигини ўйлаб ҳам кўрмаса керак. Зеро, Пайгамбаримиз (с.а.в.) биз умматларни тилини ноқонон нарсалардан сақлашга, иложи бўлмаганда сукут қилишга буюриб: "Кимки Аллоҳ таолога ва охираат кўнига иймон келтирган бўлса фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин", деганлар.

ЁЛГОН ХАБАР — ЁВ

Тил орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар жуда кўп. Жумладан, гийбат, тухмат, ҳақорат, чақимчилик, ёлгончилик, ёлгон гувоҳлик ва хабар бериш, кераксиз сўзларни сўзлаш ва ҳоказолар. Маълумотларга кўра, интернетда, хусусан, ижтимоий тармоқларда ҳар кун миллиондан ортиқ ёлгон хабарлар тарқалар экан. Уларнинг оқибатлари ҳам турлича. Баъзилари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, айримлари ишонарлиги билан инсонларни ташвишга солиб қўяди. Шу боис дунё давлатлари интернетда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан ўз фикрларини илгари сурмоқда. Жумладан, Францияда ёлгон хабарни тарқатиш каби фа-

олиятта чек қўйиш мақсадида таъсир чораларини қўллашни назарда тутувчи қонун қабул қилиниши эълон қилинган. Ушбу ташаббус муҳолифатнинг кўплаб эътирозларига дуч келган. Шунга қарамай, Франция Парламенти қўйи палатаси — Миллий Мажлиси "Ёлгон хабарга қарши кураш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини маъқуллаган. Мазкур қонунда француз судлари ахборот воситасини уларнинг ишончилиги буйича келиб тушган шикоятга кўра блоклаб қўйиш ваколатига эга бўлади ва 48 соат ичида ахборот ёки хабарнинг тўғри-нотўғри эканлигини аниқлайди. Шунингдек, Россия Федерацияси Кенгаши ҳам ёлгон хабарлар тарқатган ресурсларни блоклаш ва жазолаш кўзда тутилган қонун лойиҳасини маъқуллаган. Натижанда, "Ёлгон хабарларни тарқатганлик учун жавобгарлик тўғрисида"ги қонун кучга кирган. Қонунда ёлгон хабар тарқатишда айбдор, деб топилган шахсларга катта миқдордаги жарима ҳамда маъмурий қамоқ жазоси тайинланган. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида, тухмат, яъни бида туриб ёлгон, бошқа бир шахснинг шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш — энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтимиш бараваригача миқдорда жарима солиши билан белгиланган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 139-140-моддаларида ҳам ушбу жиноят буйича энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача жарима солиши ҳамда икки йилгача ахлоқ тазатиш ишлари каби жазо турлари тайинланган. Албатта, буларнинг барчаси

ёлгон хабарлар тарқалишининг олдини олишга, энг муҳими, ахборотларнинг ишончилигини кафолатлашга хизмат қилади. Асосийси, ижтимоий тармоқлардан келган маълумотларга хабарларга дуч келганимизда, уларнинг қай даражада тўғри ёки нотўғрилигига аҳамият беришимиз керак. Чунки ижтимоий тармоқлардан тарқалаётган ҳар хил миш-мишлар, иғволар, чиркин магзавалар ҳам вақти келиб беғуноҳ инсонларнинг ёстигини қуритиши, ҳаётига ағар солиши мумкин. Шунинг учун ҳар инсон ўридли ва фойдали гап топа олмаसा, жим туриб қузатгани маъқул. Худди шунингдек, хабарнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмаган ҳар қандай инсон маълумотларни ёзиб СМС қилиб тарқатишдан қўлини ҳам тилини ҳам тийиши керак. Ана шунда жамиятга ҳам, фуқароларга ҳам зарари тегмаслиги мумкин. Демак, ҳар қандай СМС хабарларни ўнгу сўлига қарамай тарқатиш билан "шугулланувчи"ларнинг ушбу мулоҳазаларига жиддий эътиборларини қаратишига сўраган бўлардик.

Шундай экан, бу эҳтиёжлардан фойдаланишда қатъиятчи ва масъулиятчи инутмаслик лозим. Маълумотларни кўчириш, уни етказиш борасида ҳам, албатта, қонунларимизда назарда тутилган кўрсатмаларга қатъий риоя қилишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир неъматнинг ҳаққи бўлганидек, тил неъматининг ҳам, хат ёзиш ва уни етказиш неъматининг ҳам ҳаққи бор. Тилни ҳайрли ишларда ишлатиш ва ёмон ишлардан сақлаш унинг ҳаққи ҳисобланади. Ёзаётган нарсаларимизни ёки ёзма тарздаги СМСларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб жамият учун фойдали бўлсагина ўзгалар билан баҳам кўриш унинг ҳаққидир.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
"Инсон ва қонуни" муҳбири

Ўзимизнинг автомобиллар: ЭКСИСИ ЯНГИСИГА АЛМАШТИРИЛАДИ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

ЯХШИ янгиланган, турли ижобий инновацион гояларнинг қўшоғида яшайлик. Қаерга бормайлик, янги имкониятлар берилаётганига гувоҳ бўлаялик. Айниқса, 1 октябрдан эътиборан юртимизда "TRADE-IN" дастурининг жорий этилиши қувонarli ҳолдир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор мамлакатимиз аҳолисига нималар тақдим этиши, қандай янги имкониятлар эшигини очиб беришига аҳамият қилинишига айтиб ўтмоқчи эдим.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб автотранспорт воситаси эгалари ўзларига тегишли бўлган, илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини расмий дилерларга мурожаат қилган ҳолда янгисига алмаштиришлари мумкин бўлди. Бунинг учун, албатта, автотранспорт воситалари қиймати ўртасидаги нархни тўлашлари лозим. Ушбу янгилик маҳаллий автомобилларни янгисига алмаштириш имконини берувчи "TRADE-IN" дастури, деб аталади.

Ушбу дастур доирасида қуйидагилар белгиланган:

- расмий дилер томонидан жисмоний шахсларнинг илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш учун қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олган сотилаётган объектнинг сотиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ солиққа тортиш базаси бўлиб ҳисобланади;
 - расмий дилерлик ташкилоти томонидан илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун уларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида йнгим тўланмайди.
- Бундан ташқари, Қарорнинг бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, аҳолининг ишни ортиқча югур-югурларсиз тез ва самарали битиришида ёрдам беради. Айниқса, белгиланган шаклдаги ҳисоб-маълумотномаларни харидорга бериш тартибини жорий этиш орқали илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари ва маҳаллий ишлаб чиқ-

рувчи заводларнинг расмий дилерларидан сотиб олинган янги автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари учун мажбурий нотариал расмийлаштирув татбиқ этилмайди.

Қарор ўз ичига яна бир қатор муҳим мақсадларини ҳам бирлаштира олган. Автомобиль саноатини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ошириш, халқаро тақриба асосида замонавий бозор механизмларини жорий қилиш мақсадида 2019 — 2023 йилларда мамлакатимизда автомобиль саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари белгилаб берилди. Уларни рақамларда кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача, энгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 60 фоизгача ва юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 10 минг донагача ошириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, автомобилларнинг йиллик экспорт ҳажми 100 минг донагача етказилиб, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шунингдек, "ERP" автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Қарор автотранспорт воситаларига оид барча соҳаларни қамраб олиши билан гоят аҳамиятлидир. Бу каби янгиланишлар, кенг имкониятлар, фаол инвестицион ҳаракатлар жамият тараққиёти ва аҳоли ҳаётида юқори ўринни эгаллашга умумий.

Отабек ҲАҚБЕРДИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИДАН НАВБАТДАГИ ТАШАББУС:

САЙЁР АВТОБУС БУНАҚАСИНИ ЭШИТГАНМИСИЗ?



ЖИЗЗАХ вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғиботда янгича методлар ва услубларни қўллашда давом этмоқда. Аввалроқ, "Ҳуқуқ-шунос такси" лойиҳаси амалга оширилган. Эндиликда вилоятнинг чекка ҳудудларидаги оғир, ҳуқуқий психологик ёрдамга муҳтож, профилактик ҳисобда турган шахсларга ёрдамлар кўрсатиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш учун сайёр автобус ташкил этилди. Унга адлия ходими ҳам бириктирилди. Бу ташаббус Адлия вазирлиги томонидан илгари сурилган "Ҳуқуқий тарғибот биз хоҳлаган вақтда эмас, балки сиз хоҳлаган пайтда амалга оширилади" тамойили асосида йўлга қўйилган.





Сайёр қабуллар давомида тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларнинг 43 таси ер, бино ажратиш, 71 таси банк, молия тизими бўйича, 4 таси архитектура ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга оид, 17 таси солиқ қонунчилиги ҳамда 47 таси турли масалаларни ташкил этади.

Муаммо ва масалалар жойида ҳал этилди

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган тамойилдан келиб чиқиб бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.



Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларини молиявий-ҳужалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бартараф қилиниб, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишининг амалий ва шаффоф тизими жорий этилди.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳиятини кенг тушунириш ва жойлардаги муаммо ва масалаларни ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан Андижон вилоятидаги Хўжаобод тумани ҳамда Андижон шаҳрида тадбиркорлик субъектлари билан сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабулларда адлия тизимидан ташқари, жойлардаги тўртта сектор раҳбарлари, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, масъул ходимлари, шу билан

Сайёр қабуллар давомида тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларнинг 43 таси ер, бино ажратиш, 71 таси банк, молия тизими бўйича, 4 таси архитектура ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга оид, 17 таси солиқ қонунчилиги ҳамда 47 таси турли масалаларни ташкил этади.

Мазкур мурожаатларнинг ижросини таъминлашда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масаласига жиддий масъулият билан ёндашилмоқда.

Масалан, Қўрғонтепа туман, Обод турмуш МФЙ, Бадавлат кўчасида яшовчи М.Абдурахмоновнинг тадбиркорлик фаолияти учун авто хизмат кўрсатишда дастгоҳлар сотиб олиш юзасидан 8 фоизли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги АТ “Агробанк” Қўрғонтепа филиалига қилган мурожаати бўйича кредит маблағи ажратилмаганлиги тўғрисидаги мурожаати жойида ҳал этилиб, 20 сентябрь кuni 25 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Ҳудди шундай, Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатувчи “Lens textil invest” МЧЖ вакили С.Мухторовнинг хоридан


дастгоҳлар сотиб олиш учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаати иш жойининг ўзида Республика Марказий банки масъул ходимлари билан боғланиб, тадбиркорга кредит ажратиш масаласи 10 кунлик муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, раҳбарларнинг бу тартибда тадбиркорлар билан бевосита мулоқотга киришиши, давлат органларига нисбатан янада ишонч орттиришига ҳамда ечимини кутаётган масалаларнинг ўз вақтида ва жойида ҳал этилишига хизмат қилади.

Ҳаётбек АКБАРОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Хизматларимиз натижаси ХАЛҚ РОЗИЛИГИДА

ЎТГАН ҳафта Андижон вилоятининг Қорасув шаҳар 2-сектор ҳудудида туман шаҳар ташкилотларининг сайёр қабули ташкил қилинди. Унда Давлат хизматлари Агентлигининг Андижон вилоят бошқармаси ва Қорасув шаҳар Давлат хизматлари маркази ҳам иштирок этиб, фуқароларнинг 30 га яқин мурожаатлари, жумладан, болаларни мактабга таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича йўлланмалар бериш, уй-жойга эгалик қилиш каби масалалар юзасидан мурожаатлар қабул қилиниб, аксарияти жойида ҳал этилди. Шунингдек, сайёр қабулга келган фуқароларга давлат хизматлари оид саволларга жавоблар ҳамда ҳуқуқий тушуниришлар берилди.



ХОДИМЛАРНИНГ БИЛИМ САВИЯСИ ОШИРИБ БОРИЛАДИ

Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармасида тизимда фаолият олиб бораётган ходимлар иштирокида ўқув семинар бўлиб ўтди. Семинарда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда Президентимизнинг 2019 йил 26 августдаги “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фақат “E-IJRO AUKSION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиблари бўйича маърузалар тингланди. Шундан сўнг марказ ходимларининг билим савияларини синаш мақсадида тест синовлари ўтказилди.



“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ КУНИ”



махсус замонавий техника воситалари билан жиҳозланган махсус автобусда кўрсатилди. Тадбир давомида барча турдаги тадбиркорлик фаолиятлари бўйича рухсатномалар расмийлаштирилди ҳамда бўлажак ёш тадбиркорлар учун ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Яхшиликка келур яхшилик жавоб, яхшининг бошига ёғилур савоб! Барчамизга душанба “Ҳалол меҳнат кuni” муборак бўлсин! Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармаси ва вилоят солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида ташкил қилинган Сайёр мобил давлат хизматлари кўрсатишининг навбатдагиси Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани Марказий бозорида бўлиб ўтди. Сайёр хизмат барча қўлайликларга эга,

ДХМ ХОДИМЛАРИ УЧУН ТРЕНИНГЛАР ЭСТАФЕТАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Жорий йилнинг 23-28 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида давлат хизматлари марказлари директорлари ҳамда Давлат бошқаруви академияси талабалари учун мўлжалланган амалий тренинглариининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда Бирлашган Араб Амирликлари мутахассислари 50 га яқин тингловчиларга бошқарув ва хизмат олувчилар билан ишлаш соҳасидаги инновацион ёндашулар бўйича маърузалар ўқиди.

Ушбу ўқув семинарда Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Султонбек Исақов ҳамда Асака туман Давлат хизматлари маркази директори Мансурбек Бобақоновлар ҳам иштирок этди.

Мазкур ўқув курслари коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш, турли хил мулоқот воситаларини бирлаштириш қобилияти, юзага келиши мумкин бўлган зиддиятли вазиятларни юмшатиш каби кўникмаларни ривожлантиришга қаратилди.

Шунингдек, бу ерда давлат хизматлари марказлари ходимлари учун муҳим ва долзарб масалалар муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг хизмат олувчилар билан ишлашининг жиҳатлари очиб берилди ҳамда ДХМ ходимлари дуч келадиган муаммолар юзага келганда зарурий ечимлар амалий мисолларда кўриб чиқилди.



Жамшид РАҲМОНОВ,
Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи



лан бирга, маъмурий, иқтисодий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар, Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ва бошқа қўллаб идоралар вакиллари ҳам қатнашди.

Ўтказилган сайёр қабуллар жараёнида 345 нафар тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, шундан 163 нафар муаммоси мавжуд тадбиркорнинг мурожаати қабул қилинди.



Кўчмас мулк қўлдан чиқишига оз қолди

ҲАЗОРАСП туман адлия бўлими томонидан "Бешта" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Раззақберганоунинг ўзбошимчалик билан қўрилган тураржойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласида қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Унга кўра, Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ДК Ҳазорасп туман филиали "Кадастр хизмати 2.0" хизматида тураржойни "туғалланмаган" деб белги қўйилганидек эмас, балки 2000 йилда қўриб битказилган, лекин туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва туман архитектура ва қурилиш бўлими масъул ходимлари томонидан жойига чиқиб ўрганмасдан, электрон тизимига нотўғри ху-

лосаларини жойлаш орқали "асоссиз рад" қилинганлик ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Ҳазорасп туман комиссиясининг раиси номига тақдимнома, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, туман архитектура ва қурилиш бўлими ҳузуридаги ишлаб чиқариш руҳуи мутахассиси ва Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ДК Ҳазорасп туман филиали тураржойлар бўйича ишлаб чиқариш бўлими мутахассисининг ҳаракатларида қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари аниқланди ва Давлат хизматлари Агентлиги вилоят бошқармасига маъмурий тақдирлар киритилди.

Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан қайта жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижа-



Фуқаро Н.Раззақберганоунинг ўзбошимчалик билан қўрилган тураржойини қайта ўрганиш натижасида берилган ижобий хулосалар "кадастр хизмати 2.0" электрон тизимига жойлаштирилди ва мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги далолатнома тасдиқланди.

ларига кўра, ижобий хулосалар берилганлигини ҳисобга олиб, "UZINFOCOM" ягона интегратор МЧЖга ва Ер ресурслари, геодезия картография ва Давлат кадастр кўмитасига комиссия аъзолари томонидан асоссиз киритилган "рад этиш" хулосаларини "ижобий" натижаларга алмаштириш орқали фуқаронинг ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб мурожаат ҳам қилинди.

Натижада фуқаро Н.Раззақберганоунинг ўзбошимчалик билан қўрилган тураржойини қайта ўрганиш натижасида берилган ижобий хулосалар "кадастр хизмати 2.0" электрон тизимига жойлаштирилди ва мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги далолатнома тасдиқланди.

Мазкур далолатномага асосан туман ҳокимининг 2019 йил 5 июлдаги қарори қабул қилиниб, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Ҳазорасп туман комиссияси аъзолари томонидан фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Турсунбой ҲАЗОРАСП, Ҳазорасп туман адлия бўлими бошлиғи в.б.



Имтиёзли кредит имконсизмида?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Термиз туман адлия бўлими томонидан тумандаги 4 та сектор раҳбарлари билан келишилган ҳолда сайёр қабуллар режаси тасдиқланган ва ушбу режага асосан туман адлия бўлими томонидан сайёр ва шахсий қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Термиз туман "Ат-Термизий" маҳалласида яшовчи фуқаро Гулчехра Ҳакимова ва "Намуна" маҳалласида яшовчи фуқаро Гузал Қахрамоновалар туман адлия бўлимига мурожаат этиб, иссиқхона соҳасини ривожлантириш ва тикувчилик учун тикув машиналарини сотиб олишда "Ҳар бир оила тадбиркор" давлат дасту-

ри доирасида имтиёзли кредит маблағлари АТБ "Агробанк" Термиз туман филиали томонидан ажратилмаётганлигидан норози эканликларини билдирди.

Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича АТБ "Агробанк" Термиз филиали бошлиғи номига қонунбузилишлар, уларни келиб чиқиш сабаблари ва унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ва имтиёзли кредит маблағларини ажратиш юзасидан тақдимнома киритилди ва тақдимнома ижроси юзасидан фуқаро Г.Қахрамонованинг 9 миллион 700 минг сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағи жорий йилнинг 9 август куни таъминотчи корхонаси "Нурилло Назарий" МЧЖга ўтказиб берилди ва корхона томонидан тикув машиналари етказиб берилди.

Бундан ташқари, Термиз туман "Ат-Термизий" маҳалласида яшовчи фуқаро Г.Ҳакимова-нинг 25 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағи жорий йилнинг 13 сентябрь куни таъминотчи корхонаси "Зироят" МЧЖга ўтказиб берилди ва корхона томонидан иссиқхона биноси тўлиқ битказилди.

Хусниддин ҚАРШИЕВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими, Баҳодир АШУРОВ, Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

БУЗИЛГАН ОШХОНА УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ УНДИРИЛДИ

АДЛИЯ органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳақида адлия органларининг "Ишонч телефонлари"га қилинаётган мурожаатларда акс этган муаммолар ўз вақтида қонуний ечимини топмоқда.

Масалан, Тошкент вилоят адлия бошқармасига Оҳангарон шаҳар, 3-миттитуманда яшовчи фуқаро Г.Габидуллиннинг мурожаати келиб тушди.

Аниқланишича, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги томонидан Г.Габидуллинга тегишли ошхона биноси 2018 йил сентябрь ойида бузилган ва унинг ўрнига соғломлаштириш объектлари қурилиши белгиланган.

Бироқ Г.Габидуллиннинг кўчмас мулк жойлашган ер майдонини давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда қонунчилик талаблари бузилган. Экспертиза хулосасига кўра, ошхона биносининг қиймати 398.864.370 сўмни ташкил этганлиги, шундан 262.196.362,78 сўм компенсация тўлови тўлаб берилганлиги, қолган сумма тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Шундан сўнг Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаро манфаатида Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан 541.061.561 сўм компенсация ва 141.249.882,84 сўм кредит суммаси ундириш ва ер ажратиш масаласида фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво ариза киритилиб, фуқаро фойдасига қаноатлантирилди.

Хусан РАВШАНОВ, Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ДИРЕКТОР "ҲАЙФСАН" БИЛАН "СИЙЛАНДИ"

АСАКА туман адлия бўлимига фуқаролар М.Я., Ж.Т. ва П.Р.лар мурожаат қилиб, тумандаги 43-умумтаълим мактаби директори ғайриқонуний равишда улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилганлигини билдириб, иш жойларига қайтишда амалий ёрдам сўраган.

Мурожаат ўрганилганда, А.Р. мактаб директори вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб келган ҳолда 2019 йил 16 январда ноқонуний равишда мактаб ходимлари М.Я., Ж.Т. ва П.Р.лар билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига кўра, яъни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли иш бевуқининг ташаббуси билан бекор қилган. Лекин ушбу ҳолатда А.Р. томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя қилинмаган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 101-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олинмаган, 102-моддаси тартиби бўйича ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилмаган.

Юқоридagi ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан 43-мактаб директорининг мазкур буйруғини бекор қилиш бўйича туман халқ таълими бўлимига расмий мурожаат билдирилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя қилинмаганлиги юзасидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига маъмурий тақдирлар киритилди. Натижада мактаб директори А.Р.га Меҳнат кодексининг 181-моддасига биноан "хайфсан" интизомий жазоси қўланди. М.Я., Ж.Т. ва П.Р.лар ўз лавозимларига қайтарилди.

Умид ҲАКИМОВ, Андижон вилоят Адлия бошқармаси масъул ходими


БИР МУРОЖААТ ОРТИДАН ЯНА 24 ТА МУРОЖААТ

ТЎРАҚЎРҒОН туман адлия бўлими томонидан фуқаро Д.Суноновнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) туман тиббиёт бирлашмасига ижтимоий бўлимида ишдан бўшатилиб, меҳнат дафтarchаси берилмаганлиги, иш ҳақи тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмай, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация пуллари тўланмаганлиги тўғрисида қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида туман тиббиёт бирлашмасининг тегишли буйруғига кўра, фуқаро билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 99-моддаси 1-бандига асосан 2019 йил 1 июнь кунидан бекор қилинганлиги, бироқ шу вақтга қадар фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, мазкур ташкилотнинг яна 24 нафар ходими ҳам шу каби муаммо билан мурожаат этишди.

Шунга кўра, Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасига киритилган тақдимнома асосида фуқаро Д.Сунонова ва қолган 24 нафар мурожаатчининг иш ҳақи тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниб, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 34 миллион сўмдан ошқан компенсация пуллари тўлаб берилишига эришилди.

Шаҳзода АБДУЛЛАЕВА, Тўрақўрғон туман адлия бўлими масъул ходими



Сохта нотариус ёрдамчисининг кирдикорлари ошкор бўлди

Ботир ўттиз ёшда (исм-шарифлар ўзгартирилган), икки нафар фарзанди бор. Айни ишлаб, тоғни талқон қилгудек ёшдаги йигит, ҳалол меҳнатдан қадр топиш ўрнига, фирибгарликка қўл урди.

Бир куни унга таниши Бекзод кўнгирак қилиб, маҳалладоши автомашина сотиб олганлигини, лекин ишончнома расмийлаштириш учун оғир бетоб бўлиб қолган турмуш ўртоғи нотариал идорага боролмаслигини айтиб, уларнинг шахсан иштирокисиз ҳам ишончнома расмийлаштириш мумкин ёки мумкин эмаслигини сўрайди. Ботир ишончнома фуқаро шахсан нотариал идорага келма-са расмийлаштирилмаслигини билса-да, моддий манфаат кўзлаб, танишига "бўлади", деб ишонтиради. Ва расмийлашти-

риш ишлари учун давлат божи ундирилишини, хуллас "хизмати" учун 1100 000 сўм ҳаражат кетишини айтади.

Шу тариқа Шўрчи тумани шохбекатида келишилган пулни олиб, ўзининг шахсий ахти-ёжларига ишлатиб юборади.

У ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, уйда компьютер хизматларини кўрсатувчи таниши Акмал билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бошқа бир фуқарога тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашинани бошқариш ва сотишга рухсат берувчи ишончномадаги ёзувларни ўчириб, Акмалга тегишли компьютер ва рангли принтер ёрдамда ушбу ишончномадаги ўчирилган жойларга маълумотларни киритишади.

Акмалга эса кўрсатган "хиз-

мати" учун 150 000 минг сўм ваъда қилади. Орадан уч кун ўтгач келишилганидек, сохта ишончномани Бекзодга беради.

Орадан саккиз ой вақт ўтиб сохта ишончнома эгаси ўз машинасини сотишга қарор қилади ва нотариал идорага олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун боради. Афсуски, иш у ўйлаганчалик осон битмайди. Фирибгарнинг сирини мана шу ерда фош бўлади. Тажрибали нотариус бу ҳужжат сохта эканини бир зумда аниқлайди. Хангу манг қотган машина эгаси, бундан таажжубга тушади ва дарров ҳожатбарорига қўнгирак қилади. Аммо телефондан ҳаммамизга таниш қисқа "тут-тут-тут" деган овоз янграйверади...

Суд жараёнида Ботир ҳам, Акмал ҳам қилмишларидан пуншаймонлигини билдиришди. Аммо қонунни четлаб ўтганлар жазосиз қолмайди деганларидек, улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди, жазога тортилди.

Фирибгарлик йўлини тутганларку ўз жазосини олар. Айтмоқчи бўлганимиз, фуқаролар ҳам қонун-қоидаларни четлаб ўтмаса, ўз ҳуқуқларини яхши билгани ҳолда, бурчларини, тартиб-қоидаларини ҳам яхши ўзлаштирса, ҳуқуқий саводини ошириб борса бундайларнинг тўрига илинмас эдимиз?

Илҳом АБРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Олтинсой туман суди раиси

Зўравонлик энди ўтмайди...

Мамлакатимизда инсон, хусусан, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда. Жорий йилнинг 17 августда сенаторлар томонидан маъқулланган "Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади уларнинг тазйиқ ва зўравонликнинг барча шакллари билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини қамситадиган ҳаракатлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.



Қундалик ҳаётда ва суд амалиётида бундай нохуш ҳолатлар хотин-қизлар ҳаётида тез-тез учраб турганлигига барчамиз гувоҳимиз.

Масалан, ўз фарзандининг меҳрига зор бўлиб юрган она — Лола Камолова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар — турмуш ўртоғи Шокир Одилов билан 2012 йил 8 майда Қизилтепа тумани ФХДБ бўлими томонидан қонуний никоҳдан ўтганлигини, биргаликдаги турмушдан бир нафар 2012 йилда туғилган Алижон исмли фарзанди борлигини, ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи оиланing моддий таъминоти билан умуман қизиқмаганлиги, ҳар куни уйда уруш-жанжал қилиб, уни уйдан чиқиб кетишга мажбур қилганлигини, у 2017 йил июнь ойдан бери ота-онасининг уйда яшаётганлигини баён қилган. Энг ачинарлики, Ш.Одилов болани ундан тортиб олиб қўйганлигини, ўтган давр мобайнида ўз боласини бирор марта ҳам кўришга қўймаганлигини, фарзандини олиш учун неча маротаба маҳаллага, ҳатто Қизилтепа туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилса ҳам, афсуски фойдаси бўлмаганлигини, суд қарори асосида боласини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраб мурожаат қилган.

Жавобгар эса даъвога тан олмасдан, биринчи суд мажлисида фарзандини даъвогарнинг қарамоғига бермаслигини, хоҳласа уйга бориб, бирга яшашини билдириб, суддан даъвога рад этишни сўраган. Кейинги суд мажлиси ўтказилган кун, вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-да, узрсиз сабабларга кўра судга келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида илтимоснома ҳам тақдим этмаганлиги боисдан, суд Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддасига асосан ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Оила кодексининг 75-моддасига кўра, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас, болалар манфаатларини таъминлаш ота-она гамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим, ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Аслида, мазкур моддага кўра барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилиши лозим. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, бу низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Суд маҳалла ҳамда Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан берилган ҳулосаларни тинглаб, адолатли қарор қабул қилди. Вояга етмаган Алижон Одилов отаси Шокир Одиловдан онаси Лола Камолованing тарбиясига олиб берилди.

Нурали РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси

Қонунга бепарқлиги кишанга банди қилди

Маълумки, юртимизда "валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш" борасида кескин кураш олиб борилмоқда. Ушбу кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда валюта айрибошлаш банклар томонидан эркин амалга оширилмоқда.

Шундай бўлишига қарамай, айрим кимсалар томонидан ҳамон ноқонуний валюта олди-сотдига қўл ураётганлар орамизда учраб турибди.

О.Тошбоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ана шундай шахслар тоифасига киради. У қингир ишнинг охири қора кўчага бошлашини англамаган эди. Шу боис ҳам ўзи ҳали яхши билмаган инсон ортидан эргашиб, яъни 50 АҚШ долларини сўм қийматига алмаштириб, катта товон тўлашга мажбур бўлди. Яъни, О.Тошбоев жорий йилнинг 18 май куни нотаниш шахс билан Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Тошкент почта" ОАЖ олдида М.Мўминовдан 50 АҚШ дол-

ларини "қора бозор" нархида ҳисоблаб, сотиб олди. Гўё улар наздида бу иш силлиқ ва осон кечди. Лекин уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳодимлари кутиб турганидан бе-хабар эди. "Фалокат оёқ остида" деганларидек, бу "қора бозор" учарлари кутилмаганда қонун кишанларига банди бўлди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий суди томонидан О.Тошбоевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 170-моддасида назарда тутилган тартиб-қоидага кўра жазо қўлланилди.

О.Тошбоев ва унинг шериклари берилган жазодан тегишли ҳулоса чиқариши эса вақт ҳукмига ҳавола.

Хуршид СОДИҚОВ,
Юнусобод тумани маъмурий суди судьяси

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар ҳам пенсия оладиган бўлди дейишди. Шу ростми?

К. Шодиев,
Навоий шаҳри

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилиниб, Сенат томонидан жорий йилнинг 24 августда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланди. Шунга биноан манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар ҳам пенсия оладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилди:

43-модда (Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш тартиби) қуйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилди:

"Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бево-сита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилади".

Шунингдек, Қонун 53¹- модда билан ҳам тўлдирилди.

53¹-моддада "Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колонияда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман, шаҳар бўлимига берилган, шаҳар бўлимига берилган тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳис-оаб варақларига ўтказиш орқали амалга оширилади" дейилган.

62-модда эса (Озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия тўлашни тўхтатиб қўйиш) "бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар мустасно" сўзлари билан тўлдирилди.

Саволга Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Навоий шаҳар бўлими бошлигининг ўринбосари Жамшид УСМОНОВ жавоб берди.

ТАРИХ фанлари доктори, профессор Рустам Шамсидинов Х.Мўминов билан ҳаммуаллифликда нотарих таълим йўналишлари талабалари, ҳарбий хизматчилар ҳамда Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган янги "Ўзбекистон тарихи" қўлланмасини чоп эттириб, ўқув адабиётлари сафини тўлдирдилар. Қўлланма одатдаги шу тоифа адабиётлар қаторида ўзининг тавсифийлиги, маълумотларнинг тўлиқлиги, тарихий фактларни шунчаки санаб ўтишдан фарқи равишда таҳлилий хусусияти билан ажралиб туради. Унда Ватанимиз тарихининг ибтидоидан ҳозирги жўшқин ривожланиш, чуқур ислохотлар ва янгилаш жараёнларигача қамраб олинган.

Ушбу китоб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Бизнинг ҳаёс қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор...", ҳаёс қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам, албатта, бўлади", деган сўзлари билан очилади. Кириш қисмида муаллифлар бир қатор методологик аҳамиятга эга мўлоҳазаларни, хусусан, тарих фанининг ўтмишни рўйи-рост кўрсатишга қаратилган бош мақсадни алоҳида таъкидлаганлар. Шу билан бирга миллий гоё ва миллий мафкура сингари жамиятни бирлаштирувчи қудратли омил тарихга ва ҳалқимизнинг тафаккурига таяниши ҳақида фикр юритадилар. Подшолик Россияси ҳамда советлар мустамлакачилиги даврида ҳалқимиз тарихининг нақадар сохталаштирилгани, имкон қадар ўтмишимизнинг ёрқин ва фахрли саҳифаларини йўққа чиқаришга уринилгани, миллий тарихимизни ўқитишни тақиқлаш ёки чеклашга

ҳаракат қилингани ҳақида аламлик сатрларни битишган. Тарихимизга бўлган бу фожиавий таъйик, ҳатто мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳам ўз таъсирини кўрсатганини эслатишган. Яъни, "Ўзбекистон тарихини махсус ўрганиш шарт эмас, уни жаҳон тарихи доирасида йўл-йўлакай ўрганиб қўйилса кифоя, бу тарих мактаб фани ҳолос, уни ўрта махсус ва олий таълим босқичларида ўқитиш шарт эмас" каби фикрларни олға сурувчилар ҳам пайдо бўлгани ҳақида китобда маълумотлар берилган. Ҳолбуки, тарих воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишга, фикрлашга, зарур ҳулосалар чиқаришга ўргатади, келажак сари ҳаракат йўлларини белгилашга хизмат қилади.

Қўлланма ҳарбий хизматдаги ёшлар ва уларнинг барча даражадаги қўмондонлик мутасаддиқларига қаратилганидан келиб чиқиб, муаллифлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Хафсизлик Кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида сўзлаган нутқига тўхталиб ўтганлар. Бинобарин, бу нутқда Президентимиз ёшларда ҳарбий ватанпарварлик руҳини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Оддий аскардан тортиб барча ҳарбий хизматчилар ҳалқимизнинг шонли тарихини билиши, ўтмишда Ватан ҳимояси учун кўксини қалқон қилган қаҳрамонлар, саркардалар ва қўмондонларнинг кўрсатган жасоратларидан ўрнак олиши, қолдирган маънавий меросини чуқур ўрганиши шарт экани ўқтирилди. Шу жумладан, Президентимиз ҳар бир аскар ҳалқимиз ва Ватанимиз

Тарихий тафаккуримиз юксалишига хизмат қилувчи қўлланма

олдида туриб қасамёд қилишдан аввал, албатта, Ўзбекистон тарихи ва буюк соҳибқирон Амир Темури "Тузуқлари"ни чуқур ўрганиб, билимлари билан синовдан ўтишлари керак, деган фикрни олға сурдилар. Айни шу кўрсатма биз таҳлил қилаётган қўлланма-нинг руҳига синдирилган.

Қўлланма Кириш қисмидан ташқари 21 мавзуга бўлинган. Унга энг зарур атамалар ва тарихий тушунчаларни шарҳловчи луғат (глоссарий) ҳам илова қилинган. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларга тарихий тушунчалар, турли атамаларнинг мазмуни, улар амал қилган даврлардаги тарихий жараёнлар ҳақида қизиқарли қўшимча маълумот беради ҳамда матнни ўқишдан ҳосил қилинадиган тасаввур ва билимни бойитади, китобнинг дидактик аҳамиятини оширади, унутилган тарихий тушунчаларни жонлантиради.

Шунингдек, қўлланмада Буюк ипак йўли мавзусининг ёритилишида бу тарихий феноменнинг (ноёб ҳодисанинг) қадимий дунё миқёсига сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий бирлаштирувчи моҳияти чуқур таҳлилий материаллар билан бойитилган. Шу билан бирга Буюк ипак йўлининг ҳозирги замонда халқаро муносабатларни ўзаро манфаатли ташкил этишдаги ролига ҳам

алоҳида эътибор қаратилган.

Қўлланмада кўп миқдорда жадваллаштирилган маълумотлар берилган. Улар матнда ўқиб ўтилган масалаларнинг йиғма кўринишдаги изоҳлари тусини олган. Жадвалларга диққат қилган ўқувчи мавзудаги асосий тушунчалар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади. Масалан, Амир Темурнинг давлат бошқарувини акс эттирган жадвал, Ўлғубек расадхонасида фаолият олиб борган олимларнинг асарлари ҳақидаги жадваллар бошқа қўлланмалардан фарқли равишда материални ўзлаштириш учун ёрдам сифатида жуда муҳим.

Бу китоб, юқорида айтганимиздек, адабиётлар орасида ўзининг маълумотларга бойлиги, ёзилиш равлонлиги билан ажралиб, сўнгги ўрта асрлар, Россия подшолиги мустамлакачилик даври, совет даври тоталитар зуравонлик даври тарихлари ўзининг фактологик бойлиги, тафсиллий хусусияти билан алоҳида диққатга сазовор.

Мустақиллик давримиз тарихи мавзуси ҳам ўзининг кенг қамрови доирасига ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий жараёнларнинг мазмуни ва моҳиятини тўла-тўқис жалб этган. Бу давр тараққиётимиздаги ўзига хос босқичлар тарихи таҳлилий равишда очиб берилган. Иқти-



содий, ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётимиздаги туб ўзгаришларнинг тарихий моҳияти ишонarli таъриф ва тавсиф қилинган. Айниқса, бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг янги сифат босқичи муҳим давр сифатида кўрсатилган.

Умуман, бу қўлланма тарих таълимининг сифатини кўтаришга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалқимизнинг тарихий тафаккурини янада бойитишга хизмат қилади.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
академик,
Мирсодиқ ИСХОҚОВ,
тарих фанлар доктори,
профессор



"МЕН ҲАМ КАТТА БЎЛСАМ ҲАРБИЙ БЎЛИБ ВАТАНИМНИ ҚЎРИҚЛАЙМАН"

ХИЗМАТДОШЛАРИМ билан Шаҳрисабз туманидаги Меҳрибонлик уйида меҳмон бўлдик. Бизни ҳарбий либосда кўрган болажонларнинг хурсандчилиги чексиз эди. Улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат хизматимиз, эришган ютуқларимиз тўғрисида ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар хусусида бўлди. Кейин уларга ўзимиз келтирган совғалар ва ширинликларни улашдик.

Ногаҳон нигоҳим бурчақда хомуш ўтирган болакайга тушди. Секин уни ёнимга қақриб исмини сўрадим ва кўнглига йўл топмоқчи бўлдим. Унинг исми Сардорбек экан. У ота-онасини ҳеч қачон кўрмаганини айтди. У иккита орузси борлигини, биринчиси ўзининг оиласи бўлишини, иккинчиси катта бўлса ҳарбий хизматчи бўлишини айтди.

Ундан нега ҳарбий бўлмоқчи эканлигини сўрадим: — Ҳарбийлар доворак, қўрқмас, ботир бўлишани. Бизнинг уйимизга жуда кўплаб сизга ўхшаган ҳарбийлар келишади. Улар доимо совғалар билан келиб бизларни хурсанд қилишади. Бизни, ватанини кўриқлашади. Мен ҳам катта бўлсам ҳарбий бўлиб ватанимни кўриқлайман — деди. Мен бу ёшгина боланинг дадиллиги ва шижоатини кўриб хурсанд бўлдим.

Шу тариқа суҳбатимиз уйин-кулугга улашиб кетди. Сардорбекнинг ҳам кайфияти кўтарилиб, болаларга кўшилди. Биз эса болажонларнинг кўзидаги қувонч-ни кўриб кўнглимиз бироз таскин топгандек бўлди. Чунки ота-онасиз катта бўлишни тасаввур қилишнинг ўзи оғир. Ахир, дунёда қанчадан-қанча оилалар фарзанд доғида ёнмоқда, қанчалаб оилалар узоқ йиллар давомида Яратгандан илтижо қилиб фарзанд куттишади. Лекин бу даргоҳда эса қанчадан-қанча беғуноҳ болалар меҳрга зор бўлиб улгаймоқда. Бу болаларнинг сабру бардоши олдида бош эгамиз, албатта. Ҳаётда фарзанд тарбиялашда отанинг ҳам, онанинг ҳам алоҳида ўрни бор. Давлатимиз раҳбари бундай болаларни бировдан кам бўлмасликлари, кўнгли ўқсимасдан улгайишлари учун ва асосийси меҳрга зор бўлмасликлари учун ўз паноҳига олган.

Биз ҳамisha уларни йўқлаб, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни ватанини севиш, унинг қорига ярайдиган муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари учун қўлимиздан келган барча нарсани аямаймиз.

Ортиқбой ҚУРАМБОВЕВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи 53943
ҳарбий қисм кенгаши етакчиси

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 07.05.2019 йилда 720371-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани, Каттабўй 1-қўра, 16-йил манзилида жойлашган "ZAMON BYGG" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 19 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (99) 860-76-76 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 306 400 906

Яқасарой туман Давлат хизматлари маркази томонидан 07.05.2019 йилда 719995-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Яқасарой тумани, Бобур кўчаси, 16-йил, 17-хонадон манзилида жойлашган "MUHAMED AND MUSLIMAXAN" хусусий қорхонаси таъсисчисининг 2019 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (93) 399-61-11 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 306 398 022

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 29.06.2018 йилда 619032-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Майлисой тор кўчаси, 26"А"-йил манзилида жойлашган "VISUMT STRONG BUILD" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 18 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (98) 361-44-74 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 625 619

Арипов Қашф Латифовичга тегишли бўлган Шайхонтоҳур тумани, Х.Каримов 4-тор кўчасидаги 3-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқлангани сабабли бекор қилинади.

Арипова Феруза Зайнуллоновнага тегишли бўлган Шайхонтоҳур тумани, Х.Каримов 4-тор кўчасидаги 3-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқлангани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 19.07.2007 йилда 001713-01-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 30-маъзе, 33-йил, 14-хонадон манзилида давлат рўйхатдан ўтган "HUSNORAKXON ZYCO" хусусий қорхонаси (СТПР: 300 515 703) таъсисчисининг 2019 йил 23 сентябр-

даги 2-сонли қарорига асосан тугатилди. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 348-83-17.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 26.03.2019 йилда 703095 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истибоб кўчаси, 34-йил манзилида давлат рўйхатдан ўтган "USHKUDUK KRAN BIZNES" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 266 756) таъсисчисининг 2019 йил 27 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 774-07-09.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2019 йилда 678750 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истибоб кўчаси, 34-йил манзилида давлат рўйхатдан ўтган "ARMATYURKA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 078 748) таъсисчисининг 2019 йил 27 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 774-07-09.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 17 сентябрдаги 338-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "STATUS" адвокатлик фирмаси адвокати Шодибоев Отабек Нетьматович номига 2018 йил 28 декабрда берилган SA 000343-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми уч ой муддатга тўхтатилади.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 27.02.2014 йилда 006864-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод Дехон бозори ҳудуди манзилида давлат рўйхатдан ўтган "REGULAR PARTNERSHIP" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 302 848 203) таъсисчисининг 2019 йил 26 сентябрдаги 3-сонли йиғилиш қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мўбайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 977-35-56.

ИНСОН ҚОНУН
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Мабуут ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7477
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Анбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалолович
Тоқиев Фуқрат Шомиродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайнуiddин Очилович

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулсум Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 бома табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-йил.

Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 9980
Буюрта — V-3794
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08.
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5



Пўлат МҮМИН

Устозлар

**Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман шу табаррук изингиздан, устозлар.
Чин инсонлик китобига бахту ҳикмат битибсиз,
Одоб ила билим олдим сўзингиздан устозлар.**

**Қалбингизнинг йўқ губори, меҳрибонсиз шунчалар,
Қуёш олмиш ҳароратин юзингиздан, устозлар.
Фан боғининг боғбонисиз, чароғбонсиз кўнгила,
Минг эҳтиром ўғлингиздан, қизингиздан устозлар.**

**Жой олдингиз бир умрга шогирд юрак тўридан,
Мўмин ҳаёт дарсин ўқир ўзингиздан устозлар.**

АДЛИЯ тарихига оид ҳаёт китобини ва- рақлар эканмиз, унда ўзининг заковати, билими, ташаббускорлиги ва шижоати билан соҳа ривожига ҳисса қўшган устоз фахрийларнинг алоҳида ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Уларнинг фидойилиги ҳамиша адлия ходимлари учун чин маънода ўрнак, намуна бўлиб келмоқда. Вазирлик ҳамиша ўз фахрийларини эъзозлаб, ардоқлашга алоҳида аҳамият қаратиб келади.

Жумладан, вазирликнинг бир асрлик фаолиятига оид ташкил этилган "Адлия органлари тарихи музейи"да ҳам унинг шаклланиши, ривожланиши эволюцияси акс этгани баробарида, мазкур даргоҳда фидойилик билан меҳнат қилган раҳбар фахрийлар стенди ҳам қад ростлаган. Бу ҳам вазирликка меҳнати синган устозларга ёш авлоднинг ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Шунингдек, вазирликда Фахрийлар кенгаши ҳам фаолият юритади. Айнан мана шу кенгаш ҳар бир фахрийларимизга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этиш,



Адлия вазирлигининг фаолиятига 100 йил тўлди. Бу дегани адолат кўргони бир асрлик тарихий йўлни босиб ўтди.

Фахрийларимиз — БУ ТИРИК ТАРИХИМИЗ

уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга масъул. Кенгаш кўп йиллар самарали меҳнат қилган 600 дан ортқ фахрийни бирлаштиради. Жойларда кенгашнинг ҳудудий бўлимлари фаолият юритиб келмоқда. Вазирликда фахрийларга мунтазам равишда эътибор қаратилиб, турли байрамлар арафасида ва уларнинг қутлуғ таваллуд айёмларида табриклаш ҳамда тақдирлаш, моддий ёрдам кўрсатиш яхши анъанага айланган. Хусусан, сўнгги икки йил ичида фахрийларимиз учун 100 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилди. Албатта, балки бу маблағлар уларнинг

хизматлари олдида арзимасдек, чунки меҳнатларининг ўлчови йўқ, муҳими эса эътибордан доимо кўнгли шод.

Аслидаку, бир умр касбига меҳр бериб, унинг шаънини юксакларга кўтариб, ҳатто кўнининг энг позитив, қизгин палласини ўз ишига бағишлаб келган инсонларга кексайган, ҳасталикка чалинганда эшикдан ўзига таниш бўлган чехралар — шогирдлар, ҳамкасблар йўқлови ҳамма нарсадан устун. Зеро, уларни бир чимдим меҳр юксалтиради, жонига оро қиради. Шу сабабли ҳар бир ходимимиз мунтазам фахрийларимиздан ҳол сўрашади, устозларнинг

кўнглини олиб қайтишади.

Хусусан, нуруний фахрийларимиздан 95 ёшни қаршилаётган Нурилла Абдуллаев, Гулсара Давлетмуратова, Клара Алашева, Ширингул Мадримова, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Акмал Акрамов, андижонлик Эҳтибор Мўминова, 78 ёшни қаршилаётган Ёқубжон Жалолов, Адлия вазирлиги фахрийлар кенгаши вилоят бўлими раҳбари бўлиб ишлаётган Адинахон Хайдарова, Хоразм вилоятдан 85 ёшни қаршилаётган Уктам Раҳимов, Раимбой Ражабов, Тошкент давлат юридик университетидан бир умр ёшларга устозлик қи-

ЯПОНИЯ: Мана бун ҳурмат, деса бўлади

БИР куни япон ҳамкасбим Ямамотадан "Сизларда ўқитувчилар куни қачон?", деб сўрадим. У саволимдан ҳайратланиб: "Бизда ўқитувчилар куни, деб бирон алоҳида кун белгиланмаган", деди. Унинг жавоби мени таажублантирди. Шундай, технология, иқтисоду, таълим ривожланиб кетган юрда ўқитувчиларга ҳурмат шу эканда, деб ўйладим ичимда.

Кунлардан бирида Ямамота мени уйига меҳмонга таклиф қилди. У мактабдан узоқроқда яшарди. Шу сабабли биз метрода кетдик. Қайтар чоғимиз айна тирбанд вақтга тўғри келди, ўриндиқлар тўлиб бўлган. Шу пайт бир кекса киши ўрнидан туриб, менга жой берди. Очиғи, ёши улғу инсондан кўрсатилган бундай ҳурматдан гангиб қолдим. "Йўқ" дедим ҳижолатомуз. Аммо у ўз фикрида қатъий тургач, ўтирмасликнинг иложи бўлмади. Метродан чиққач, Ямамотадан нега бундай бўлганини сўрадим. У бобо кўксимдаги ўқитувчи нишонини кўриб, ҳурмат юзасидан менга жой берганини айтди.

Ҳамкасбимнинг уйига биринчи марта боришим. Уйига қуруқ кириш ноқулай, шу сабабли ул-бул харид қилмоқчи бўлдим. Фикримни Ямамотага айтганимда, у менга яқинроқда ўқитувчилар учун нарсалар имтиёзли нархларда сотиладиган дўкон борлигини айтди. Мен яна туйғуларимни яширолмай:

— Имтиёзлар. Бу имтиёзлар фақат ўқитувчилар учунми?

Фикримни маъқуллаб, Ямамота давом этди: — Бизда ўқитувчилик энг ҳурматга лойиқ касб, ўқитувчилар энг ҳурматга сазовор инсонлардир. Япон тадбиркорлари дўконларига ўқитувчиларнинг киришини ўзлари-га шараф, деб билишади.

Японияда бўлганимда мен мунтазам равишда ўқитувчиларнинг ҳурмат қилиб келинганлигига гувоҳ бўлдим. Улар учун метрода алоҳида жойлар бор, махсус имтиёзли дўконлар бор, улар транспорт чиптасини сотиб олиш учун навбатда турмайди. Хулосам шу бўлдики, япон ўқитувчиларининг ҳар бир ўтаётган куни байрам экан, шу сабабли уларда алоҳида бир кун нишонланмас экан.

• Русчадан Дилфуза ЭРГАШЕВА таржимаси.

либ, минглаб шогирдларга таълим берган Ҳабибулла Абдувалиев, шунингдек, Халим Бобоев, Наманган вилоятдан Одилжон Азимовлар... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Уларнинг соҳа ривожини учун қўшган ҳиссаси, жасорати олдида доим таъзимдамыз, улар билан фахрланамиз.

Фахрийлар бу тирик тарихимиз. Фаолиятимизда эса жонли энциклопедиямиздир. Уларнинг бой ҳаётий тажрибасини, билимини ўрганиш ҳар биримизнинг вазифамиз, бурчимиздир. Вазирлик ўз фаолиятида бугунги кун ёшларига суяниш баробарида, соҳанинг ҳақиқий маънодаги устозларига айланган кекса авлод вакиллари таълим тарихимизга ҳам таяниб иш кўриб келмоқда. Азалий қадриятларимиздан бўлган устоз-шогирдчилик анъаналари тизимда давом этиб келмоқда.

Бу ёшларга нима беради?

Авалло, ҳар бир ёш кадрда иш юритишда босиқлик, мулоҳазакорлик, етти ўлчаб бир кесиш, масъулиятли бўлиш каби фазилатларни қарор топтиради. Устоз кўрган шогирд ҳар ишда ажралиб туради. Балки шу сабаб устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йўғралар нақли айтилгандир.

Шу сабабли ҳам вазирлик ходимлари ҳамиша ўз фахрийларидан тажриба ўрганишга, маслаҳат олиб иш юритишга ҳаракат қилади.

Адлия вазирлиги
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими